**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бухоро давлат университети**
**Филология факультети**
**Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси**

# ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА

Республикамизда танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллигига бағишланади

**“Дурдона” нашриёти**
**Бухоро – 2021**

Ушбу тўплам республикамизда танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллиги муносабати билан тартиб берилган. Китоб устозлар, дўстлар, ҳамкасблар, шогирдлар ва яқинларининг олима ҳақидаги дил сўзларидан таркиб топган.

**Масъул муҳарир**:
ф.ф.д, проф. Дилрабо Қувватова

**Тақризчилар:**
ф.ф.д, доц. Дилшод Ражабов,
ф.ф.д, доц. Ҳусниддин Эшонқулов,
ф.ф.н., доц. Маърифат Ражабова

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар**:
ф.ф.ф.д. Отабек Файзуллаев,
ўқит. Акмал Жумаев,
ф.ф.ф.д. Наргиза Кадирова

**Университет илмий кенгашининг 2021 йил 4-майдаги 14-сон йиғилиши қарори асосида нашрга тавсия этилган.**

qo'sha-qo'sha nabiralar bersin, katta qilib "Beshik to'yi" qilib bering, ularni allalab uxlatish, erkalamalar bilan erkalash, ovutmachoqlar bilan ovutib, qiziqmachoqlarga qiziqtirib yurishga yetkazsin! Nabiralarga etaklar so'zlab, ular bilan "Uchar gilam"larda sayohat qilib, "Ochil dasturxon" atrofida jamul jam bo'lib o'tiradigan sevimli buvijon bo'lib yuring!

Yana bir bor shunday navqiron ko'rinishda ulug' yoshga qo'ygan qadamingiz xayrli va muborak bo'lsin!

Namangandagi Sizni tanigan barcha ilmiy-pedagogik jamoatchilik nomidan sevimli shogirdingiz Sherali Turg'unov, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), v.b. dotsent.

## ЎЗИ УСТОЗ БЎЛАР УСТОЗ КЎРГАНЛАР

**Раъно Ражабова,**
**БухДУ Филология факультети**
**Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси**
**Ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)**

**Фольклор ўзи аслида урф-одат мевасидир,**
**Момолар алласи-ю, улуғлар шевасидир.**
**Шажара дарахтининг илдизи янтоқ мисол,**
**Дармонойнинг тилида: "Бухоро-Хива"сидир.**
**(Ошиқ Зариф)**

Халқ ижоди – бамисоли дарё. Бу улуғ, муаззам наҳрнинг ўзани олис мозийларга бориб тақалади. Бухорода бошқа фанлар қатори фольклоршунослик илми яхши тараққий топган. Албатта, бунда бевосита ва билвосита буюк фольклоршунос олим Охунжон Сафаровнинг бошлаб берган хайрли анъаналари ўз ўрнига эга.

Фольклоримиз билимдони эрур Охунжон Тўра,
Китоблари ўн жавондур, бахти кулганин қара!
Етмишдан ошибди ҳамки, тўр ташлайди дарёга,
Мавж уради "олтин балиқ" ярқираган ул тўрда.
(Ошиқ Зариф).

Охунжон Сафаров буюк фольклоршунос олим сифатида элга танилган. Бу анъана беназир қалб соҳиби, устозим Дармоной Саидаҳмедовна Ўраева томонларидан янада янгича босқичларда давом этиб келмоқда. Фольклоршунос сифатида элга танилган олима элимиз яратган маънавий дурларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказишни бурчи деб биладиган ҳақиқий ватанпарвар ва элпарвар десам адашмаган бўламан. Зотан, бу шариф юрт – неча-неча олиму фозилларга, ижод ва яратувчанлик боғининг пешқадам боғбонларига маскан бўлган табаррук гўша.

“Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, дейди доно халқимиз. Инсон зоти борки, оддий устадан тортиб, таниқли олимгача, кимнидир ўзига устоз деб билади. Унинг этагидан маҳкам тутиб, панду насиҳатларига қулоқ солиб, сўнгра ўзи ҳам мустақил қадам қўя бошлайди. Инсоннинг дунёга келишига ота-она сабабчи бўлса, унинг “ҳаёт” аталмиш умр сўқмоқларида ўзиниг тўғри йўлини топиб боришида устозларнинг ўрни беқиёсдир.

Мен ҳаётдан миннатдорман, негаки, менга Дармоной Саидаҳмедовнадай буюк қалб эгаси, онамдек меҳрибон устозни насиб этди. Айниқса, профессор Дармоной Саидаҳмедовнанинг шогирди эканлигим менга олам-олам фахр бағишлайди, қолаверса, зиммамга улкан масъулият ҳам юклайди.

Шундай буюк қалб соҳиби бўлган инсон билан биргаликда илмий-ижодий изланишлар олиб бориш, устозга мос ва хос садоқатли шогирд бўла олишдек бахт ўзлигини англаган инсонга катта масъулият юклайди. Чунки, онадек меҳр кўрсатган, маънавий жиҳатдан баркамол бўлишни, мухтасар айтганда, шундай устоз-онага шогирд бўлишни талаб қилади. Баҳоли қудрат бу вазифани уддалаётганим, ҳеч шубҳасиз, азиз ва меҳрибон устозимнинг шарофатларидандир.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ёзиш ва ҳимоя жараёнлари мен учун силлиқ кечган эмас. Устоз билан ҳар

гал суҳбатлашганимда инсон аввало покиза қалб соҳиби бўлишлиги, илмда енгил ва осон йўлни танламаслигимни, илм йўли жуда машаққатли бўлиши ва илм йўлига қадам қўйилганда маълум бир маънодаги қийинчиликларни бошидан кечириши, бу қийинчиликларга сабр ва бардош билан чидаш кераклиги ҳақида уқтириб айтадилар. Осон эришилган нарса маҳсулининг қадри ҳаминқадар бўлиши, аксинча, ҳалол меҳнат ва илм инсонни нечоғли юксакликка кўтариши мен учун катта сабоқ бўлди, десам янглишмаган бўламан. Чунки устозим Дармоной Саидахмедовна шундай бир ҳақиқат борасида менга такрор ва такрор англаш ҳиссини уйғотдилар. Шогирд асло шогирдлигича қолиб кетмаслиги лозим. Бу ҳаёт қонунидир. Бунинг учун шогирд доимий ва узлуксиз ўз устида ишлаб, изланиб, ўқиб ва уқиб, билими, тафаккури ва дунёқарашини бойитиб бориши шогирддан талаб қилинадиган асл ҳақақатни менга англатдилар. Яна шуниси борки, шогирд билмаганини устозидан эринмай ва орланмай сўраб, ўрганиб бориши зарур. Бежизга “Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим” мақоли айтилмаган. Доно халқимизнинг яна бир мақолида “Олим бўлма, одам бўл” ёки “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин” дея инсонийлик сари даъватлантирилади. Шу ўринда раҳматли дадажоним шундай фикрларни айтган эдилар: “Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин”, – Менимча, иккаласи ҳам қийин”. Негаки, одамийликдан йироқ, худбин инсон устозга ташвиш келтиради. Аксинча, садоқатлилик ва камтарлик, оқибатлилик ва тантилик, меҳнатсевар ва ҳалоллиги бахтидан нишона бўлиб, бундан ҳам шогирд, ҳам устоз саодатга эришади. Шогирдга билими ва иқтидорини, ақл-заковатини тан олиб, унга ўзгача бир меҳр бериб билганларини ўргатган, шогирди маънавий камолоти учун жон куйдирган устозга шогирд бора-бора ўз фарзандидек бўлиб қоларкан.

Устозим раҳбарликларида бугунги кунга қадар номзодлик ва докторлик тадқиқотларини амалга оширганларнинг кўпчилиги талабалик давридаёқ

шогирдликка олинган. Шулар қаторида мен ҳам. 2020 йилда “Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси (насрий эртак ва топишмоқ мисолида)” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ишимни ҳимоя қилдим. Менинг бу ютуғим устозимни жуда қувонтирди. Яна бир шогирднинг эришган ютуғидан тўлқинланган устозим мени фарзандлари қаторига қўшиб қўйдилар. Ҳар доим устоз менга илиқлиқ ва ширин табассум билан “шогирдим” деб алқай бошлаганларида, мени қўллаб-қувватлаб, барча ишимга оқ фотиҳа тилаб дуо қилишларининг ўзи мен учун чин маънодаги ҳақиқатдир. Бундай эҳтиром ва меҳр менинг устозга бўлган меҳримни янада икки ҳисса оширди, десам хато айтмаган бўламан.

Бу устоз ҳақида айтилган айрим мулоҳазаларимиз у кишининг юрти ва касбига бўлган муҳаббатидир. Устоз Дармоной Ўраева илмда оддий, камтарин, хокисор, жуда оилапарвар, фарзандларига ўзини бахшида қилган меҳрибон она, шунингдек, шогирдпарвар олийжаноб инсондир.

Муборак 55 ёшни қаршилаётган азиз ва меҳрибон, жонкуяр устозимга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, фарзандлар, шогирдлар камолини узоқ йиллар кўришларини тилаймиз. Зеро, муҳтарама устознинг фольклоршунослик соҳасига оид кузатишлари, илмий, адабий, публицистик яратмалари юртимиз келажаги бўлмиш ёшлар учун маънавий хазина, чинакам ҳаётий ибрат бўлиб хизмат қилажак.

Устозга доимо шундай гўзал, шижоатли бўлиб юриш бахти насиб этсин!

## ОДАМ БОРКИ, ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР

**Яраш Рўзиев**
**БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси**

Азиз устоз Дармоной Ўраевани талабалик йилларимдан бери танийман, чунки кўпинча факультетларимиз ёнма-ён жойлашган эди (Хорижий тиллар ва Ўзбек филологияси), ҳатто бир муддат битта факультет

Қурбонова Манзила Бакиевна. Бухоро элининг фольклоршунос олимаси ........ 84
Гулчеҳра Имомова. Хокисорим – қиёматли синглим ........ 85
Шаҳноза Қаҳҳорова. Фариштадан аъло опам ........ 89
Шоҳида Каромова. Фахру эътирофга лойиқ аёл ........ 91
Dilorom Yo‘ldosheva. Dilkash ayol haqida ikki og‘iz so‘z ........ 93
Хонзода Қўзиева, Меҳринисо Киличева. Илм аҳлининг дармони бўлган Дармоной ........ 95
Байрамали Қиличев. Бахтиёр олима ........ 97
Гадоева Мавлуда Ибрагимовна. Қиёсий фольклоршунослик тараққиётида Дармоной Ўраеванинг ўрни ........ 98
Ражабова Маърифат. Илтижойим, бер муродин, Дармонойимни Эгам! ........ 101
Амонова Зилола Қодировна. Исми ҳаёт йўлига туташ олима ........ 106
Жамилова Башорат. Агар устоз андин рози, тенгри розидир ........ 107
Шарипова Лайло. Эътирофга лойиқ олима ........ 112
Гулбаҳор Худойназарова. Илмига ҳавас қилган дугонам, ҳавасларим эвазига тутинган дўстим ........ 114
Бекова Наззора. Бетакрор олима опамиз ........ 116
Латифа Худайқулова, Шаҳодатбону Имомназарова. Зиёли аёл миллатни тарбиялайди ........ 119
Зебинисо Расулова, Мунис Жўраева. “Катта юрак” соҳибаси ........ 121
Йўлдош Раҳматов. Устоз йўлини тутмоқ – шогирд иқболи ........ 124
Насиба Турсунова. Инсонийликнинг энг олийжаноб хислатлари ........ 129
Меҳринисо Ризаева. Фольклоршунос олима ........ 131
M.Y.Ro’ziyeva. So’zida sehri, ko’zida mehri bor ustoz! ........ 132
Hasanova Gulnoz Qosimovna. Ustozga bag`ishlab dil izhorlarim ........ 135
N.I.Gaybullayeva. Sabrdan sayqallangan olima ........ 138
Ҳаёт Латипов. Устоз ........ 139
Қодирова Насима Саидбурхоновна. Таъзим сизга, азиз устоз... ........ 140

Тўраева Умринисо Раҳматовна. Олим бўлсанг, олам сеники... ....142
Сайлиева Зарина Рахмиддиновна. Илк таассурот ....144
G.N. Isoqova. El ardog'idagi olima ....146

**ШОГИРДЛАР ЭЪЗОЗИ .... 147**

Ободон Адизова. Беназир инсон, фидоий олима, меҳрибон устоз ....147
Амонов Улуғмурод Султонович. Чинорга бўйлашган чинор ....149
Касимова Раъно Рахматуллоевна. Ардоғимдасиз, азиз устозим! ....154
Отабек Файзуллаев. Бухорои шариф илм-фан бўстони ворисларидан бири ....155
М.М. Жўраева. Устозга эҳтиром ....156
Адизова Нигора Бахтиёровна. Қалби пок, меҳри дарё устоз ....159
Барно Мирзаева. Зукко олима ....161
Акмал Жумаев. Меҳрибон она, қадрли устоз ва салоҳиятли олима ....162
Қодирова Наргиза. Барча учун севимли, фидоий, камтарин ҳамда жонкуяр устоз ....164
Samandar Xudoyev. Mahoratli olim va mehribon ustoz....165
Нафосат Ўроқова, Рўзигул Қодирова. Илм уммонининг гавҳари ....166
Sherali Turg'unov. Ustozga tabrik....169
Раъно Ражабова. Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар ....170
Яраш Рўзиев. Одам борки, одамларнинг нақшидир ....173
Лайло Тўраева. Бир умр таъзимдаман ....174
Хаитов Хамза Ахмадович. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё ....176
G.P.Nazarova, S.H.Akhmedova. A true successor to folklorists....179
Қодирова Машҳура, Ўраева Мақсуда. Тадқиқотларида фольклордан таълимда фойдаланишни тарғиб этган олима ....183
Хамидова Муборак Хафизовна. Устоз юксак маънавият тимсоли....186

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна. Халқ оғзаки ижодининг етук билимдони ........ 188
Шарипова Маҳбуба Бахшиллоевна. Шогирдлар камолин кўзлаган устоз ........ 190
Ш.Ш.Низомова. Илмдан нур излаган фидойи фольклоршунос олима ........ 191
Нозима Джумаева. Ибратли олима ва фидойи инсон ........ 193
Абдуллаева Набия Идрисовна. Минг асрга татигулик меҳнат заҳмати, фидойилик ибрати ва жонкуярлик сиймоси бўлган олима аёл ........ 195
С.М.Нуруллаева. Устознинг “сеҳрли китоби” ........ 197
Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна. Суҳбатларда ҳаёт сирлари ........ 198
Насиба Норова. Маънавият ганжидаги ойсиз устоз ........ 201
Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи. Бошлар эгиб, таъзим айланг устозларга! ........ 201
Шербекова Гавҳар, Шомуродова Сунбула. Бухоро фольклорини тўплаш ва ўрганишнинг долзарб муаммолари Дармоной Ўраева нигоҳида ........ 203
Ҳамроева Дилфуза. Дармоной Ўраева – халқ қўшиқлари тадқиқотчиси ........ 206
Эргашев Ж.Ю. Шариф шаҳар Бухоронинг фолклоршунослик мактаби давомчиси ........ 207
Karimova Laylo Izzatullayevna. Suratida siyrati aks etgan ayol. 211
Ҳикматова Нигина Акмаловна. Устоз ишончининг саодати 214
Муниса Узакова. Қалби меҳр, ақлу шуури илм билан безанган устозим ........ 215
Marjona Teshayeva. Umri ezgulikkka esh insonlardan biri........ 216

**ЯҚИНЛАР ДИЛ ИЗҲОРИ ........ 220**
Мавлонов Анвар Аҳмадович. Буюк қалб соҳиби ........ 220
Ўраева Гулшан Саидахмедовна. Грамматика – иккинчи математика ........ 221
Gulshod Saidaxmedovna O’rayeva. Ham opam, ham ustozim, ham maslahatchim ........ 224
Насиба Рабоева. Мусофирлигимда дардимга дармон, қалбимга малҳам бўлган опахонимиз ........ 231

Ибрагимова Дилрабо Абдуғаниевна. Опамдай азиз янгам...233

Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ўраева Дармон Саидахмедовнанинг илмий-усулият ишлари рўйхати ...........235
Дармоной Ўраева илмий раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида ҳимоя қилинган докторлик ва фалсафа доктори диссертациялари...........................................................264
Дармоной Ўраева расмий оппонентлик қилган диссертациялар.............................................................................267
Дармоной Ўраева ҳақида ёзилган мақолалар .............................269
Тақриз ..........................................................................................269

# ЭЛ ДУРЛАРИН ҚАДРЛАГАН ОЛИМА

Республикамизда танилган фольклоршунос олима, филология фанлари доктори, профессор Дармоной Ўраеванинг 55 йиллигига бағишланади


| | |
|---|---|
| *Muharrir:* | *A. Qalandarov* |
| *Texnik muharrir:* | *G. Samiyeva* |
| *Musahhih:* | *Sh. Qahhorov* |
| *Sahifalovchi:* | *M. Ortiqova* |

Nashriyot litsenziyasi AI № 178. 08.12.2010. Original-maketdan bosishga ruxsat etildi: 09.03.2021. Bichimi 60x84. Kegli 16 shponli. «Palatino Linotype» garn. Ofset bosma usulida bosildi. Ofset bosma qog`ozi. Bosma tobog`i 17,2. Adadi 100. Buyurtma №126.

Buxoro viloyat Matbuot va axborot boshqarmasi
"Durdona" nashriyoti: Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy.
Bahosi kelishilgan narxda.

"Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko`chasi, 11-uy. Tel.: 0(365) 221-26-45